

Ур

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
4 июнь,
жума
№ 24 (849)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЕР СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь кунини ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ер — умуммиллий бойлик. Кейинги йилларда ушбу ресурстан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ажратиб технологияларини жорий қилиш орқали ер ажратиш тартибининг очиқлиги ва шаффофлиги ортиб бормоқда, соҳада бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда. Бироқ ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний сотиш ҳолатлари ҳали ҳам кузатилаётган. Ноқишлоқ ва қишлоқ ҳўжалиги ерларини

ажратиш тартиби барча учун бир хил ва шаффоф эмас.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги камчиликларни кескин танқид қилиб, ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга кириштириш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Бугунги кун тартибидagi масала жуда мураккаб. Бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз ижобий натижасини топмапти. Ер — халқни боқаятган мулк. Еримизга бўлган муносабатни мутлақо ўзгартиришимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари. Йиғилишда ер соҳасидаги

қонунчилик бўйича мавжуд аҳвол ва илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, ерни хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби жорий этилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш каби бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлмаган амалиётларни тугатиш ва ерга бўлган ҳуқуқ турларини 6 тадан 3 га қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Ноқишлоқ ерларни хусусий секторга фақат аукцион орқали сотиш тартиби киритилади. Ноқишлоқ ерлар Ўзбекис-

тон фуқаролари ва юридик шахсларига хусусий мулк қилиб, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерлар эса ижара ҳуқуқи асосида сотилади.

Ҳоким қарори билан нодавлат секторга ер ажратиш ҳамда ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиёти бекор қилинади.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларини фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тартиби киритилади. Бундай ерлар фуқаро ва ташкилотларга (чет элликлардан ташқари) очик танлов асосида берилади. Очик танловга ариза қабул қилиш, талабдор ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.

Вилоят ва туман ҳокимларининг қишлоқ ҳўжалиги ерлари тоифасини ўзгартириш ваколати Вазирлар Маҳкамасига ва

Президентга ўтказилади.

Йиғилишда ер ажратилиши ва ундан фойдаланилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш ва қайтариб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати тўлиқ бекор қилинади. Вилоят ҳокимининг ер муносабатларига доир барча қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Шу билан бирга ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш таклифи этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари соҳада қонун устуворлигини таъминлаш шарт эканига яна бир бор урғу бериб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. **ЎЗА**

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш босқичидаги кўрсаткичларининг асосий омили инсон ва унинг манфаатлари ҳисобланади. Жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз ўрнини топиши учун давлат унга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Моҳият

Гендер тенгликка эришиш стратегияси:

лойиҳанинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида



Юртимиз равнақи йўлида хотин-қизлар ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани барчамизга яхши аён. Президентимиз таъбири билан айтганда, **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокисидир.** Кейинги йилларда барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳам бунинг яққол исботидир. **(Давоми 3-бетда) ►**

Маълумки, ҳаётда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Навоий шахрида яшовчи 2016 йилда ноҳақ судланган ҳамюртимиз Мусафир Акбаровнинг орадан 5 йил ўтиб оқлангани замирида ҳам айни шу ҳақиқат мужассам.

Оқлов

Қарор топган ҳақиқат беш йилдан сўн адолат тикланди



Гап шундаки, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида 1-даражали муҳандис лавозимида ишлаган Мусафир Акбаров ўшанда жамиятнинг бир гуруҳ масъул ва мансабдор шахсларига нисбатан кўзга тилган жиноят иши доирасида ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган. Тергов органи ва суд томонидан эълон қилинган айблов ҳулосасида Мусафир Акбаров "Навоийазот" акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ё.Хо-

либоев, бўлими бошлиғи В.Шарипов билан ўзаро жиноий тил бириктиргани қайд этилган.

Унда айтилишича, 2014-2015 йилларда жамиятда бир қатор капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бинобарин, бир қатор пудратчи ташкилотлар ана шу ишларни бажариш бўйича ўз тақлифлари билан мурожаат қилган. **(Давоми 2-бетда) ►**

Кейинги йилларда ҳаётимизга "медиация" тушунчаси кириб келди ва бугун у амалда кенг қўлланилмоқда. Энг муҳими, 2018 йил 3 июлда қабул қилинган "Медиация тўғрисида" ги қонун 2019 йилнинг 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Янгилик

Медиатив келишув тарафлар манфаатига хизмат қилмоқда



Медиация бу — бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида ҳолис шахс — медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириш йўли билан низоли ҳал қилиш тамойилидир. **(Давоми 4-бетда) ►**

Анжуман

Конституциявий одил судлов институти янги босқичда

Олий судга "Конституциявий одил судлов институти янги босқичда" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Конституциявий суд раиси ўринбосари А.Гафуров, Олий суд раиси ўринбосари И.Муслимов, Конституциявий суд, Олий суд судьялари ва ходимлари, шунингдек, видеоконференца орқали вилоят, шаҳар, туман, туманлараро судлари судьялари иштирок этди.

Давра суҳбатида яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида" ги Конституциявий қонун мазмун-моҳияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур Конституциявий қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликни либераллаштириш юзасидаги хизмат қилади. Янги қонунда бир қатор принципиал янгиликлар ўз ифодасини топган.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ага бўлган субъектлар доираси кенгайтирилгани, Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан масала киритиш ҳуқуқи бекор қилингани, Конституциявий судга мурожаат



қилиш, мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиш, Конституциявий суд ишларини юриштининг ишгирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокама, суд мажлиси баённомаси, процессуал муддатлар, суд чикимлари ва ҳаражатларни қоплаш тартиби, айрим турдаги ишлар бўйича иш юриштининг хусусиятлари каби процессуал тартиб-таомиллар шулар жумласидандир. Янги қонунда Конституциявий суд

қарорларининг турлари ва уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби ҳамда қарорнинг юридик кучи тўғрисидаги нормалар ҳам ўз аксини топган. Конституциявий суд қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий суд қарори билан Конституцияга мувофиқ эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг муайян қисми ўзининг амал қилишини тугатди. Давлат органлари Конституцияга

мувофиқ эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилган ўз қарорларини бир ойдан кечиктирмай қайта кўриб чиқиши шарт.

Конституциявий қонуннинг нормаларини татбиқ этиш орқали Конституциявий суднинг ўрни ва ролини ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланишига эришиш асосий мақсаддир.

Конституциявий суд раиси ўринбосари А. Гафуров "Конституциявий одил судлов ва конституциявий шикоят: ҳуқуқий асослари ва аҳамияти" мавзусидаги маърузасида янги қонундаги бир қатор янгиликлар конституциявий одил судловни янги босқичга олиб чиқишини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатида Конституциявий суд судьяси Қ.Ўлжаев конституциявий одил ишларини юриштининг процессуал хусусиятлари ҳақида батафсил тушунтириш берди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир якунида Конституциявий суднинг фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш тартибига оид савол-жавобларга ҳам кенг ўрин берилди.


Ақром АРИПОВ,
Олий суд бош консультанти

Сарҳисоб

Бюджет маблағларини мақсадли ва оқилона сарфлаш

жамият ободлиги ва инсонлар фаровонлигига хизмат қилади

Давлат бюджети маблағларининг шакллантирилиши ва сарфланиши аҳолини энг кўп қизиқтирадиган масалалардандир. Бу табиий ҳол бўлиб, фуқаролар ушбу йўналишдаги саволларига жавоб олишга тўлиқ ҳақли.



Давлат бюджети мамлакатнинг пул даромадлари ва ҳаражатлари рўйхатини ўзида ифодаловчи асосий молиявий ҳужжат бўлгани ҳолда, унинг очик ва шаффоф бўлиши юрт ривож, жамият қурилишини такомиллаштириш, ислохотлар самарадорлигига эришишда муҳим ўрин тутади.

Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг 2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоб-хисоб асосий муҳокама марказида бўлди.

Афсуски, илгарилари давлат бюджети тўғрисидаги

маълумотлар сир сақланиб, фақат масъул давлат идораларигагина маълум бўлган. Мамлакатимизда кейинги йилларда бошланган очиклик сиёсати туфайли мазкур йўналишда ҳам аҳолига барча маълумотлар очик-ошқора етказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 12 май кунли Президентимиз иштирокида макроиқтисодий вазият, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи ярим йилликдаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2021 йилнинг биринчи чораги бўйича ялпи ички

маълумотлар сир сақланиб, фақат масъул давлат идораларигагина маълум бўлган.

Биз ижтимоий ҳаётда кўп тилга оладиган давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларини, молия йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари асосида тузилади. Бюджет даромадлари бюджетга бегарз тушган ва қайтариб олинмайдиган пул маблағлари ҳисобланади. **(Давоми 2-бетда) ►**

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва суд мустақиллигини таъминлаш жараёни янги сифат босқичига кўтарилди. Бунинг натижасида одамларнинг судларга бўлган ишончи янада ортиб бормоқда.

Фаолият мезони

Одамлар розилиги — ҳар нарсадан устун

ёхуд миннатдорчилик хатларидаги дил изҳорлари



Олий судга келаётган миннатдорчилик хатлари ҳам шундан далолатдир. Уларда бузилган ҳуқуқлари тикланган, овозрағарчилиги тугаган, адолат тантанасига шохид бўлган турли тоифадаги кишиларнинг дил изҳорлари баён этилган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Самарқанд шаҳрида яшовчи Юлдуз Маматқулованиннг ёзишича, у ноғиронлиги бўлган фуқарони узоқ йиллар мобайнида ўз қарамоғига олган. Шу боис у 2017 йилда уйи ва мол-мулкни Ю.Маматқуловага нотарийал тартибда тасдиқланган васиятнома асосида мерос қилиб қолдирган. Бироқ фуқаро И.Ҳамроқулов сохта ҳужжатлар асосида уйни

бошқа шахсларга сотиб юборган. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг шу йил 14 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан Ю.Маматқулованиннг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Сурхондарё вилояти, Узун туманида яшовчи Холбиби Ниёзова миннатдорчилик хатида қонунбузарлик оқибатида ўзига тегишли бўлган автомашина бошқа бировга расмийлаштириб берилгани, бу масала судларда бир неча бор кўриб чиқилгани, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримини билан қонуний мулкни ўзига қайтарилганини баён этган. **(Давоми 2-бетда) ►**

Оқлов



«Бошланиши 1-бетда»

Бунга масъул бўлган уч ҳам-касб шартнома қийматидан кей-либ чиқиб, ўша ташкилотлар-дан шартнома тузиш ҳамда ба-жарилган ишларни қабул қи-лиш эвазига ўн фоиз миқдори-да пора олиш, "даромад"нинг 5 фоизини ўзи ва В.Шарипов ўртасида тақсимлаш, қолган 5 фоизини эса, Е.Холибоевга бериш ҳақида режа тузишган. Натижада 2014-2015 йилларда жамиятнинг турли ҳаётларида капитал таъмирлаш, қолаверса, Навоий шаҳридаги истиро-хат боғида саҳна қуриш ишлар-ини бажаришга даъвогар бўлган "Шахризода-шаҳина", "Зарафшон тола импекс" ва "Кармана милк Инвест" масъу-лияти чекланган жамиятлари ҳамда "Гўзал тонг шабада" ху-сусий фирмаси мансабдор шахсларидан 30.000.000 сўм ва 3.000 АҚШ долларини тама-гирлик йўли билан такроран пора тариқасида олиб, пулни ўзаро тақсимлашга келишиш-ган.

2015 йилнинг август-сеп-тябрь ойларида мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга-тилган. Оқибатда 2015 йил 19 сентябрь кунини Мусафир Ак-баров қамоққа олинган. Айни ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди 2016 йил 17 июндаги ҳукми-нинг Мусафир Акбаровга оид қисмини бекор қилиб, уни Жи-ноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а, в, г" банд-лари билан айбдор деб топиб, 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лаво-зимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 6 йил муддатга озодлик-дан маҳрум этган.

Шундан сўнг у озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўта-ган. 2017 йил 15 мартда эса, унинг ўталмаган жазо муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазо-сига алмаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошири-лаётган демократик ислохотлар М.Ақбаров ҳамда унинг ҳамроҳи Ч.Мўминованинг жорий йилда Навоий вилояти судига апелляция тартибидида судга беришига асос бўлди. Апелля-ция шикоятини судда кўриш жараёнида Мусафир Акбаров-нинг баён этилган жиноятга алоқаси йўқлиги, тергов орга-ни ва биринчи босқич суди уни ноҳақ айблагани аён бўл-ди. Хусусан, апелляция суди мажлисида М.Ақбаров 2014-2015 йиллар давомида 30.000.000 сўм ва 3.000 АҚШ долларини тамагирлик йўли билан олганини, дастлабки тергов ҳамда биринчи босқич судидаги кўрсатмаларини тасдиқлар остида берганини билдирди. Қолаверса, гувоҳ — "Шахризода-шаҳина" масъу-лияти чекланган жамияти раҳ-бари Р.Темиров ҳам шундай таъйиқлар таъсирида М.Ақ-баровга қарши кўрсатма бергани-ни маълум қилди.

Бош прокуратура, Олий суд, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 23 июнда имзоланган "Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарлар-ни кўриб чиқиш, бу тоғдаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя қили-нишини таъминлаш бўйича" Қўшма кўрсатмасида ариза-чининг кўрсатмаларидан ташқа-ри бошқа объектив далиллар аниқланмаганда жиноят иши кўзга-тилди, шахсининг қамоқ-қа олиниши, жиноят-про-цессуал қонуни талабларига риоя қилинмаган ҳолда олин-ган номақбул далиллар асоси-да жиноят иши кўзга-тилди ҳақи-да қарор қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги, ҳар қандай ҳолатда айбдорлик оид бар-ча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинув-чи, айбланувчи ёки судланув-чининг фойдасига ҳал қилини-ши лозимлиги белгиланган. Бироқ жиноят иши ҳужжатла-рида М.Ақбаровнинг айбига иқдорлик ҳамда бошқа шахс-

ларнинг унга пора берганлик ҳақидаги кўрсатмаларидан ташқари объектив далиллар мажмуини ташкил этувчи бир-рор-бир аниқ мезон мавжуд эмас.

Бундан ташқари жиноят ишидаги фақатгина иқдорлик кўрсатмалари ва шубҳа-гумон-лардан иборат ҳолатлар М.Ақ-баровни жиноят содир этган-ликда айблаш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолатда эса, суд ҳукмини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Жиноят процессуал кодек-сининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли экани суд муҳокамасида исбот қилинган тақдирдагина чиқари-лиши лозим. Айблов ҳукми-га жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўл-ган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқлар-га барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далиллар-га асос қилиб олиниши ке-рак.

Бинобарин, Навоий вилоят-ти суди жиноят ишлари бўй-ича Навоий шаҳар судининг 2016 йил 17 июндаги ҳукми-нинг Мусафир Акбаровга оид қисмини бекор қилиб, уни Жи-ноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "а, в, г" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этмаган деб топди. Яъни М.Ақбаров Жиноят про-цессуал кодексининг 83-мод-даси 2-бандига асосан оқлан-ди.

Дарвоқе, суд ажримидида оқ-ланувчига ўзига етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зиёни қоплаш масаласида Жиноят-процессуал кодекси-нинг 304-312-моддалари тар-тибидида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган эди. Шу боис у гаирқонуний жиноий жавобгарликка тортилгани оқибатида етказилган моддий зиёни ундиришни сўраб, яна судга мурожаат қилди.

Жиноят процессуал кодек-сининг 304-моддасида реабил-литация этилган шахсга ўзига нисбатан содир этилган қонун-га хилоф ҳаракатлар натижаси-да маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар, пенсия ва нафа-қалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса, пул-лар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, ак-циялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, суднинг ҳукми, ажрими (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулк-нинг қиймати, суриштирув, даст-слабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқ-тилган мол-мулк қиймати, суд ҳукмининг ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чикимлари, юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томо-нидан юридик маслаҳатхонага тўланган пул, шунингдек, унга нисбатан содир этилган қонун-га хилоф ҳаракатлар натижаси-да қилинган бошқа ҳаражатлар қопланиши лозимлиги белги-ланган. Ана шу қайд этилган асосларга мувофиқ, суд М.Ақ-баров фойдасига 29.219.485 сўм моддий зарар ундириш юзасидан ажрим чиқарди. Мод-дий зарарни қоплаш эса, На-воий вилояти молия бошқар-маси зиммасига юклатилди.

Мана шу тариқа яна бир ин-соннинг қисмати билан боғлиқ адолат қарор топди. Давлати-миз раҳбарининг ташаббуси туфайли оқланган шахслар сафига кенгайиб бормоқда. Зеро, бир шахсни ноҳақ айб-лаш, йиллар ўтган эса, уни оқ-лаш ёш авлодга сабоқ бўлиши шарт. Чунки улар қонун усту-ворлиги таъминланиб, адолат тантана қилаётган жамиятда яшашмоқда.

Абдуманнон ШАЙДОЕВ,
Навоий вилояти суди
раиси ўринбосари

«Бошланиши 1-бетда»

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида яшовчи тадбиркор Нодир Файзуллаев ўзига те-гишли бўлган ер майдони Тошкент тумани ҳокимлиги қарорига асосан бошқа тад-биркорлик субъектига бериб юборилгани оқибатида узоқ вақт сарсон бўлган. Муаммо маъмурий сўраб кўриб чиқил-гандагина ўзининг қонуний ечимини топган. Бу каби ми-соллар мамлакатимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги амалда таъминланаётганининг ёрқин ифодасидир.

Кеңиримлиқ, бағрикенг-лик — халқимизга хос фазилат. Кейинги йилларда судлар ин-сонпарварлик тамойилига кўп-роқ таянмоқда. Бунда кафили-лик институтининг жорий этил-гани муҳим рол ўйнамоқда. Бу-ни айтиш масалада дахлдор бўлган хатлар сонининг кўпи-лигида ҳам кўриш мумкин. Мас-алан, наманганлик Комилжон Нишоннов ўғли Маъруфжон-

Фаолият мезони

Одамлар розилиги — ҳар нарсадан устун

ёхуд миннатдорчилик хатларидаги дил изҳорлари

нинг эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этгани, суд ма-ҳалла кафилиги ва инсонпар-варлик тамойилига амал қил-ган ҳолда унга енгил жазо тай-инлагани, ҳозирги пайтда фарзанди ҳалол меҳнати ор-қали давлат ва оиласига фой-да келтираётганини мамну-ният билан маълум қилган.

Тошкент шаҳрида яшовчи Жавоҳир Исоқов ҳам ёшлик бебошлиги оқибатида жино-ятга қўл урган. Ёшлар итти-фоқи кафилигини инобатга олган суд унга озодликдан маҳ-рум этиш билан боғлиқ жазо-ни бошқа жазо турига алмаш-тирган. Бу эса, Жавоҳирга ўқишини давом эттириш ба-

рбариди янги ҳунар ўрганиш-га имкон берган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари но-ҳақ айбланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ишлари қайта-дан кўриб чиқилиб, уларнинг оқланаётгани адолат тантана-сининг чинакам намунаси-дир. Бу юзлаб оилаларга шодлик олиб кириб, ноҳақ жабрлан-ганларнинг оиласи, қариндош-уруғлари, ҳамкасблари, маҳал-ла-қўй ва эл-юрт олдиди юзи ёруғ бўлмоқда. Ана шундай ин-сонлардан бири пойтахтимиз-нинг Учтепа туманида яшовчи Азмиддин Бузруқовдир. Унинг маълум қилишича, у 2011 йил-

да тўққиз йил муддатга ноҳақ озодликдан маҳрум қилинган. Ўтган йил Олий судга муро-жат этганидан сўнг Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати уни оқлаган.

Хоразмлик тадбиркорлар Сардор Ҳасанов ва Жасур Ҳасанов ҳам турли тазйиқлар остида 2012 йилда ноҳақ жа-зога тортилган. Яқинда улар Бухоро вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъа-тининг ҳукмига мувофиқ оқлан-ди. Бундай мисолларни яна кўп-лаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, судлар фаолиятидаги бундай ижобий ўзгаришлар халқаро миқёсда



хам кенг эътироф этилмоқда. Буни турли халқаро ташкилот-лар, нуфузли экспертларнинг хулосалари яққол тасдиқлай-ди. Зеро, муаммо ва низола-рининг суд орқали ҳал этилиши жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксала-ётгани, бошқарув тизимида демократик усулларнинг қарор топаётгани, қонун устуворлиги ва суд мустақиллиги таъмин-ланаётганининг муҳим белги-сидир. Ўз навбатида, бу каби омиллар одамларнинг судга бўлган ишончини яна ортти-риб, давлат ва жамият ҳаёти-да фаол иштирок этишига за-мин яратди.

Ҳумоюн МИРЗО

Сарҳисоб

Бюджет маблағларини мақсадли ва оқилона сарфлаш

жамият ободлиги ва инсонлар фаровонлигига хизмат қилади

«Бошланиши 1-бетда»

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобига шакллантирилиб, йиғилган маблағлар жамият манфаати, халқ ҳаётини яхши-лаш мақсадига турли соҳаларга йўнал-тирилади.

Бироқ 2020 йилнинг оғир келиши, айниқса, коронавирус пандемияси дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам кўпгина режаларни амалга оширишга жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ай-рим соҳаларда белгиланган маблағлар-нинг ўз вақтида ажратилиши билан боғлиқ қарор муаммолар юзага келди.

Инқироз ва иқтисодий ўсиш
Жаҳон банкининг дастлабки маълум-отларига кўра, глобал заنجирнинг узилиши ва қатъий карантин чорала-рининг жорий этилиши натижасида ўтган йилда жаҳон иқтисодиёти 4,3 фоиз қисқарган.

Мамлакатимизда 2021 йили учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, унда қайси соҳага қанча миқ-дорда маблағ ажратилиши белгилан-ган. Демак, бу борада зарур ҳуқуқий асос яратиб берилди.

Ҳўш, жорий йилнинг биринчи чо-раги давомида давлат бюджетидан аж-ратилган маблағлар асосан қайси йўна-лишларга сарфланди?

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, пандемия туфайли кўп-лаб мам-лакатлар иқтисодиётида инқироз жара-ёни давом этаётганига қарамай, жорий йил январь-март ойларида мамлакатим-из иқтисодиёти 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоиз ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 128,6 триллион сўмни ташкил этди. Бунда саноят 3,8 фоиз, қурилиш 0,5 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги 3,1 фоиз ҳамда хиз-матлар 2,8 фоиз ўсган.

Ўтган уч ойлик давр мубайнида дав-лат бюджети даромадлари 33,9 трил-

лион сўмга ошириб бажарилган. Хара-жатлар 34,1 триллион сўмни, бюджет дефицити эса, 188,2 миллиард сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди ва прогноз дара-жасида бўлди.

Шу вақтда ижтимоий харажатлар ҳам ошди. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21 фоиз ошиб, 18,2 триллион сўмга етди. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 12,5 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,1 фоиз кўпроқ бўлди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичи ортиги билан ижро этилди

Маҳаллий бюджетларнинг маблағла-ри худудий тараққиётнинг молиявий манбаларидан биридир. Бу маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда фан, таълим, маданият, соғлиқ-ни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, иқтисодиёт тар-моқларини ривожлантиришнинг мақ-садли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш учун сарфланиши ло-зим.

Ҳисоботда 2021 йилнинг биринчи чо-раги давомида маҳаллий бюджет-ларнинг даромадлар қисми прогнозга нисбатан 116 фоизга бажарилди, 7,9 триллион сўмни, харажатлар эса, режа-га нисбатан 94,7 фоизга ижро этилиб, 10,9 триллион сўмни ташкил этгани таъкидланди.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллиги-ни ошириш бўйича ҳукумат томонидан кўрилган амалий чора-тадбирлар нати-жасида ўтган вақт давомида маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичи ортиги билан ижро этилди.

Албатта, бу борада бажарилган иш-лар эътиборга молик. Бироқ ҳисобот даврида ютуқлар билан бирга қатор му-аммо ва камчиликлар ҳам кўзга ташла-нади. Аслида, бу борада муаммонинг



катта-кичиги бўлмади.

Айниқса, инсон тақдири, халқ манфа-ати устувор турар экан, ютуқларга маҳ-лиё бўлмадсан, мавжуд камчиликларга танқидий ёндашишимиз зарур. Шу жи-ҳатдан, масаланинг ечимига оид қуйи-даги тақлифларни билдириш мақсад-га мувофиқ:

Биринчидан, бюджетлараро транс-фертлар ва бюджет ссудасини ажра-тиш, унинг фоизларини тўғри, адолат-ли белгилаш зарур. Бюджет ссудаси юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юрлик шахсга ёки хорижий давлатга қайтариш шарти билан ажратилмаган маблағдир.

Бюджет трансферти эса, бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевоаси-та ёки ваколатли орган орқали ажра-тиладиган, қайтарилмайдиган пул маблағлари ҳисобланади. Ана шу йўна-лишлар борасида Бюджет кодексига ўзгартиришлар киритиш талаб этила-ди.

Иккинчидан, мамлакатимизда яши-рин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга кў-шимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайти-риш, тадбиркорлик фаолиятини юри-тиш учун, шу жумладан, тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисо-бига тенг рақобат шароитларини яра-тишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки яширин иқтисодиёт билан кура-шишда эҳтиёткор бўлиш ва иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик

керек.

Учинчидан, худудларнинг иқтисоди-ётдаги етакчи соҳаларини қўллаб-қув-ватлашни молиялаштиришни тўлиқ ва муддатли амалга ошириш зарур.

Бу борада Молия вазирлиги томо-нидан қонунчиликда белгиланган суб-сидияларнинг ажратилиши ва ўз эга-сига етиб боришини алоҳида назорат-га олиш талаб этилади.

Тўртинчидан, Президентимизнинг 2018 йилдаги тегишли фармонлари билан қабул қилинган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доира-сида кўп-лаб маҳалла ва қишлоқларда-ги шароитлар яхшиланди. Биргина жорий йилнинг ўзида мазкур дастур-лар доирасида жами 21 триллион сўм йўналтирилмоқда.

Тегишли ташкилотлар бу маблағ-ларни қишлоқ аҳолисининг энг катта муаммоларидан бўлган ичимлик суви, йўл, электр энергияси билан боғлиқ бирламчи ҳаётини масалаларини ҳал қилиб беришга сарфланишини назор-ратга олиш зарур.

Бешинчидан, кейинги йилларда давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва тадбиркорлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида салмоқ-ли ишлар қилинмоқда. Аммо вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар то-монидан давлат харидларини амалга оширишда ўтган йилда кўп-лаб салбий ҳолатлар кузатишган. Бу жараёнда жа-моатчилик назоратининг кучайиши са-марасиз давлат қизматларининг олди-ни олишга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик назорати қанча кўп бўл-са, тизимда ўзгариш шунча юқори бў-лади. Шу маънода, бу борада янада очик, шаффоқ, барқдор, самарали ва яхлит давлат харидлари тизимини яратишга катта эътибор қаратиш ло-зим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги давр бюджет маблағларидан самара-ли фойдаланиш тизимини янада тако-миллаштиришни тақозо этмоқда. Бу ушбу тизим тараққиётимизга катта ҳисса қўшиш билан бирга халққа маълумотларни очик-ошқорча, шаффоқ ет-казиш механизминини йўлга қўйишга ҳам хизмат қилади.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП
фракцияси раҳбари

Ажаб савдолар

Қимматга тушган

ти вожиб бўлмади. Далада етиштирилган ҳосил ўзга шахс томонидан йиғиб олинди ва 54,2 тонна миқдордаги хо-машё "Гурлан пахта тозалаш" акциядорлик жамиятига ет-казиб берилди.

2019 йилнинг декабрь ойи-да "Шукржон дўкончи" фер-мер хўжалигининг ариза-сига мувофиқ иш яна суд муҳока-масига кўчди. Унда 13,6 гек-тар даладаги ҳосил "Ойбек хўжа" фермер хўжалиги то-монидан етиштирилгани ва унинг шахс тарафидан йи-ғиб олингани қайд қилинди. Даъвогар эса, ўз талабини етарли факт ва далиллар асо-сида исботлаб бера олмади.

Афсуски, низо бу билан ҳам тугамади ва шу йил февраль ойида яна судга ҳавола қилинди. Туман Фермер, де-дан иборат ушбу далада ўз кучи ва маблағи эвазига ғўза парваришлаб, контрактация шартномасидаги 54,2 тонна пахтани етиштиришга муваф-фақ бўлган ва ушбу мажбури-ятни терим асосида тўлиқ адо этишини мўлжаллаётган эди. Бироқ фермернинг ния-

миллион сўм миқдорда ҳосил пулини ундириб бе-ришни сўради. Суд ушбу даъвоини ҳам эътибор билан ўрганди ва пировадиди ай-нан шундай талаб 2019 йил-нинг 25 декабрь кунини чиқар-илган ҳал қилув қарориди ҳам акс этгани ва далиллар етарли бўлмагани боис рад қилинганини назарда тутди. Айнан шу мазмунда муқаддам чиқарилган ҳал қилув қарори қонунийлиги сабаб шу пайт-гача юқори турувчи суд маҳ-камаси тарафидан бекор қилинмагани ва ҳамон ўз ку-чида экани инобатга олинди. Даъво қаноатлантирилмади.

Оқилу доно одамлар башар-ти низо, зиддият учқуни пайдо бўлса, унинг аланга олишига асло йўл қўйишмайди, ғавго рўй берган тақдирда эса, ақлу итшоқ, вазимлик билан ҳал этишди, муросяю-мадора йў-лини излашди. Бундай сер-ғалва иш устаси маҳаллий ҳо-кимлик мутаасаддлари учун асло жоиз эмас. Таассуфки, бу каби низоли ҳолат Гурланга қўшни бўлган Шовот тумани-да ҳам кузатилди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сўнгги тўрт йилда хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий салоҳиятини ошириш ҳамда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасида масалага айланди. Президентимиз ҳар бир чиқишида хотин-қизлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтиши ҳам шундан далолатдир.

Бу ҳақда фикр юритганда, биринчи мартаба Марказий Осиё раҳбар аёлларининг норасмий платформаси ташкил этилгани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбекистон жорий йилда бу платформага раислик қилмоқда.

Шу йил март ойида бўлиб ўтган БМТнинг 65-сессиясида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Марказий Осиё давлатлари раҳбар аёллари номидан сўзга чиқди ва маъруза қилди. Бу ҳам Ўзбекистон гендер сиёсати борасида Марказий Осиё давлатлари орасида алоҳида ўрин тутишининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон тарихида илк мартаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ белгиланган тавсияларга мос даражага етди ва айнан шу кўрсаткич бўйича ТОП-50 дан ўрин олди. Яъни мамлакатимиз парламентида хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етиб, дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

Бундан ташқари бошқарув лавозимдаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга етди. Кейинги даврда 6 нафар ҳоким ва бир нафар элчи хотин-қизлар вакиллари орасидан тайинланди.

Бугунги кунда 81 та вазирлик ва идорада илгор, етакчи, билимли аёллардан иборат 15 минг нафардан ортиқ кадрлар захираси шакллантирилган. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида "Аёллар дафтари" тизими жорий этилган.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими йўлга қўйилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 224 минг нафардан ортиқ хотин-қизга 6,9 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Ушбу соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимизнинг халқроқ рейтинглардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасидан 134-ўринни эгаллади. Бу рейтингда 2019 йилда 139-ўринда эдик.

Албатта, эришган ютуқларимиз билан бирга, ушбу йўналишда қатор тизимли муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувида оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишдаги иштироки етарлича таъминланмапти. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга уларни жалб қилиш ҳолати сустлигича қолмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тў-

рисида жамиятдаги салбий қарашлар аёлларимизнинг сиёсий жараёнларда ўз гоёларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда. Аксарият ҳолларда хотин-қизларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган ва ҳақ тўланмайдиган уй ҳўжалиги ишлари юклатилмоқда.

